

ВИКТОР АЛИМАСОВ

ИЛМГА ТАШНАЛИК
СЎНМАСИН

Ёхуд биз қачон кашфиётлар қиламиз?




Келгуси сонларда ўқинг

МУРАТ ЙИЛДИРИМ:

«SCORPION» —
Ўзбек киносида янгича қадам

Келгуси сонларда ўқинг



Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 24 март • шанба • № 35 (4008)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий этилмоқда, уларнинг турлари кенгаймоқда, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиклик ошиб бормоқда.

Аҳоли учун валюта айирбощлаш амалиётларини амалга оширишни енгиллаштирувчи янги банк хизматлари жорий этилди, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш учун имкониятлар яратилди.

Шу билан бирга, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда ривож этиш ҳамда молиявий очикликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимида бўлган ишончни янада оширишда бир қатор муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда. Хусусан:

биринчидан, кредитларни ажратиш бўйича қарор қабул қилишда ваколатлар ҳаддан ташқари марказлашганлиги бош банклар ва уларнинг филиаллари ўртасидаги жавобгарликнинг аниқ чегараланишига тўсқинлик қилмоқда;

иккинчидан, кредит буюртмаларини кўриб чиқишнинг мураккаб механизми кредитларни тезкор олиш имкониятларини чегараламоқда;

учинчидан, тижорат банклари томонидан микроқарзлар ажратирилиш имкониятининг мавжуд эмаслиги микроқарзларни олиш даражасини оширишни таъминламайпти, микрокредит ташкилотлар ва ломбардларнинг хизматлари бўйича юқори фойз ставкалари аксарият ҳолатларда истеъмолчиларнинг молиявий ҳолати ёмонлашишига олиб келмоқда;

тўртинчидан, чакана банк хизматлари бозорининг паст даражада ривожланганлиги ва мижозлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишнинг замонавий ёндашувлари мавжуд эмаслиги ортқча бюрократия ва сансалорлик учун замин яратмоқда;

бешинчидан, банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича давлат процессинг ташкилотининг мавжуд эмаслиги чакана тўлов тизимларининг хавфсизлик, узлуксизлик ва ишончлилик даражасига таъсир кўрсатмоқда ва аҳолининг кенг қатламлари учун очик инновацион лойиҳаларни амалга оширишда замонавий технологик ечимларни илгари суришга тўсқинлик қилмоқда;

олтинчидан, кредитларни (микроқарзларни) кўриб чиқиш ва ажратиш учун хизмат ҳақлари ва бошқа тўловларнинг ундирилиши қарзнинг реал қиймати ошишига олиб келмоқда;

еттинчидан, шартномаларга хизматлар учун тарифлар, ажратилган кредитлар ва қабул қилинган депозитлар бўйича фойз ставкаларини бир томонлама ўзгартиришни назарда тутувчи шартларни киритиш, шунингдек, бир хизматни қўшимча хизматдан фойдаланиш шарти билан кўрсатиш банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини бузмоқда;

2 ▶

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИШЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 март куни қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ишлар натижадорлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Видеоселектор тарзида ўтказилган йиғилишда Бош вазир, унинг ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, вилоятлар ҳокимлари иштирок этди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг қўлмали ислохотлар амалга оширилмоқда. Экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олиш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий техника ва агрегатлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда юқори ҳосилдорликка эришишда агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш муҳимлиги қайд этилди. Ўз вақтида минерал ўғит берган ва суғорган фермерларнинг далаларида ғалланинг ҳолати қониқарли бўлиб, баравж ривожланмоқда.

Шунга қарамай, мамлакатимиз бўйича бир неча минг гектар майдонда ғалла етишиши кечикмоқда. Жумладан, Тошкент, Жиззах, Сурхондарё, Қашка-

дарё, Бухоро ва Наманган вилоятларидаги айрим ғалла майдонларида шундай ҳолатлар мавжуд.

Бунинг асосий сабаби — вилоят ва туманлардаги раҳбарлар ва ирригация тизими ходимлари сувдан самарали фойдаланиш ишларини тўғри ташкил этмаган. Оқибатда ғаллага ажратилган сувнинг катта қисми бошқа экинларни суғоришга сарфланмоқда. Жойлардаги ҳокимлар ва ирригация тизими раҳбарларига сувдан самарали фойдаланиш, экин майдонларини ўз вақтида суғориш бўйича ишларини тўғри ташкил этиш топширилди.

Мажлисида ғаллани бағидан озиклантириш, яъни суспензия сепиш, ғалла майдонларига маҳаллий ўғит солишда белгиланган метёёрларга амал қилиш ҳосилдорлигининг ошишида муҳим роль ўйнаши қайд этилди. Бу муҳим агротехник тадбир минерал ўғитлар самарадорлигини 6-8 баробар оширади ва ўсимликнинг сувга бўлган талабини 20-25 фоизгача камайтириш имконини беради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ғалла майдонларига химия воситалари, жумладан, фунгицид ва гербицид аралашмаси сепишни 30 мартгача тўлиқ якунлаш, ғалла майдонларига март ойида яна бир марта ва апрель ойида камида икки марта суспензия сепишни қатъий назоратга олиш вазифаси юкланди.

Йиғилишда ғалла ўрими-йиғимига тайёргарлик масаласи ҳам муҳокама қилинди. Мавсумга тайёргарлик юзасидан техника воситалари созилини таъминлаш, мавжуд комбайнларни техник кўрикдан ўтказиш кўзда тутилган. Бу борадаги мавжуд камчиликларни қисқа фурсатларда бартараф этиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда чигит экишни сифатли ўтказиш ва тўлиқ қўчат олиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, жорий йилда 1 миллион 71 минг гектардан ортиқ майдонга чигит экиш белгиланган. Бу 2017 йилга нисбатан 135 минг, 2016 йилга нисбатан эса 184 минг гектар камдир. Қам ҳосил берадиган пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига харидоригир сабзавот ва полиз экинлари экиш белгиланди.

2 ▶



Пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида 23 март куни «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси матбуот маркази иш бошлади.

АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ МАТБУОТ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратхўжаев, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори В.Норов, Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази директори Э.Орипов, Ташки ишлар вазирлигининг Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича бошқармаси бошлиғи О.Ақбаров, тарих фанлари доктори, профессор Ш.Абдуллаев Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур нуфузли анжуманининг Марказий Осиёда барқарор ривожланишни таъминлаш ва қўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнидаги аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференциясини ёритишда 300 га яқин маҳаллий ва 20 дан ортиқ хорижий ОАВ вакиллари қатнашади. Улар орасида «The New York Times», «BBC», «Jenmin Jibao», «NHK» каби йирик халқаро ахборот агентликлари, нашрлар ва телеканаллар бор.

Журналистларга қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон халқаро анжуманлар саройида бўладиган конференциянинг асосий тадбирлари матбуот марказига тўғридан-тўғри трансляция қилинади. Бундан ташқари, марказ замонавий компьютерлар, принтерлар ва бошқа қўп функцияли қурилмалар билан жиҳозланган. Юқори тезликдаги Wi-Fi ва симли узатиш орқали Интернет тармоғига уланиш имконияти мавжуд.

Матбуот марказининг очилиш маросимида Афғонистон бўйича мутахассис ва экспертлар ушбу мамлакат тарихи, дунё ҳамжамияти билан алоқалари, Ўзбекистон — Афғонистон муносабатларининг бутунги ҳолати ва истикболлари, сиёсий, иқтисодий, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот берди.

Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари ўртасидаги тарихий, маданий ва цивилизациявий яқинлик, Ўзбекистон — Афғонистон муносабатлари: ривожланишининг янги

босқичи, Афғонистондаги можарони тинч йўл билан ҳал қилиш бўйича халқаро ташаббуслар каби масалаларга бағишланган маърузалар тингланди.

— Тинч Афғонистон Марказий Осиё давлатларининг Ҳинд океани ва Форс кўрфазии портларига чиқиш имкониятини таъминлайди, ўз навбатида, Жанубий Осиё мамлакатларини Европа ва Яқин Шарқ бозорлари билан боғлаш мумкин, — дейди Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази директори Э.Орипов. — Шу маънода, қўшни юртда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатиш бўйича миллий ярашув — Афғонистон раҳбарияти ва саъй-ҳаракати билан амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бўлажак конференция қўшни давлатда тинчлик бўлишидан манфаатдор томонлар учун қулай мулоқот майдони вазифасини ўташига ишонамиз.

Улўбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА мўхбири


АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Афғонистон Ислои Республикаси Президенти Мўхаммад Ашраф ғани 2018 йил 26 март куни амалий ташриф билан Тошкент шаҳрига келади.

Икки давлат раҳбарлари 27 март куни «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференцияда иштирок этади ва сўзга чиқади.

Ташриф дастурида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Президенти Мўхаммад Ашраф ғани музокара ўтказиши ҳам кўзда тутилган.

ЎЗА



ТАРИХ БИЛАН ЁНМА-ЁН

Ғап шундаки, янги қурилган «Бухоро — Мискин» темир йўл линияси Наврўз байрами арафасида ишга туширилди. Биз ўтирган поезд айнан шу йўналишда ҳаракатланар экан. Бу билан оралик масофа қарийб 100 км., ҳаракатланиш вақти эса икки соатга қисқаргани барчани хурсанд қилди.

3 ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«1 **САККИЗИНЧИДАН**, банк тўлов карталаридан чет эл валюта-сини ечиш бўйича чекловларнинг мавжудлиги ва банкоматлар сонининг етарли эмаслиги валюта айирбошлаш амалиётларини амалга оширишда хизмат кўрсатишни талаб даражасида таъминламайпти.

Кўрсатиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш ва инновацион ривожланишнинг тенденцияларини инобатга олган ҳолда молиявий очиклик даражасини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаражатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки, банк хизматларининг оммабоплигини оширишни таъминлаш ва банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг таркибий тузилмасида банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, молиявий очикликни ва аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини ошириш асосий вазифалари бўлган Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаларини бажаришда:

банк тизимида тизимли камчиликлар ва банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилишларини аниқлаш, шунингдек, уларнинг олдини олишга;

банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйган кредит ташкилотларига нисбатан жавобгарлик чоралари қўрилишини таъминлашга;

банк хизматлари истеъмолчиларининг бузилган ҳуқуқларини тиклашда маслаҳат бериш ва кўмаклашишга;

молиявий очиклик даражасини ошириш ва банк хизматлари истеъмолчиларининг саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 июлдан тижорат банклари:

дастлабки рухсатларсиз ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз мижозларга бевосита хизмат кўрсатиш ҳудудига тўқсинликсиз кириш;

мижозларни дастлабки қабул қилиш маъмурият ҳодимларидан кўрсатилаётган банк хизматлари тўғрисида дастлабки маслаҳатларни олиш;

кредит (микрораз) бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилишнинг босқичма-босқич жараёнини ва кредит (микрораз) бериш тўғрисида хабардор қилиш ёки уни беришни асосли рад этиш тартибини кўрсатган ҳолда кредит буюртмаларини шаффофлик асосида тўғридан ўтказиш ва кўриб чиқиш учун шартларни яратад.

4. Кредит ташкилотларига:

микрораз шартномалари, шунингдек, ломбардлар томонидан тузилган кредит шартномалари бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорда фоизлар ҳисоблаш, комиссия ундириш ва неустойка (штраф, пеня), жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш;

кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, ссуда ҳисобрақамларига хизмат кўрсатиш, кредитлар ажратиш учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар (микроразлар)ни муддатидан илгари қоплаш учун неустойка ундириш тақиқланади.

5. Тижорат банкларига:

банк фаолиятининг илгор халқаро тажрибасини ўрганиш ва банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш;

банк хизматларига бўлган талаб ва ўзини қоплашни инобатга олган ҳолда банк филиаллари ва мини-банклари тармоғини кенгайтириш;

филиалларнинг кредит ажратишда бош банклар билан қўшимча келишувсиз мустикал қарорлар қабул қилиш бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

а) 2018 йил 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жисмоний шахслар томонидан халқаро тўлов карталарига сотиб олинган хорижий валютани тижорат банклари томонидан белгиланган лимитлар доирасида нақд шаклда ечиб олиш механизмининг жорий этсин;

б) 2018 йил 1 апрелга қадар тижорат банклари билан биргаликда хорижий валютанинг олди-сотди операцияларини амалга ошириш ва халқаро тўлов карталаридан пул маблағларини хорижий ва миллий валютадаги муддатли омонатларга ўтказишни таъминловчи жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларини масофадан туриб бошқариш тизимини жорий этсин;

в) 2018 йил 1 майга қадар: Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатлар амалга оширилишида тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

тижорат банкларига микроқарзлар ажратиш ҳуқуқи берилишини назарда тутувчи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига тақлифлар киритсин;

банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари кредит ташкилотлари томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан Марказий банк томонидан санкциялар қўлланилиши юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимчалар киритсин;

потенциал қарз олувчининг кредитга даъватлилик даражасини баҳолаш ҳамда жисмоний шахсларга ва кичик тадбиркорлик субъектларига кредитлар (микроқарзлар) ажратиш муддатларини қисқартириш имконини берувчи тижорат банклари томонидан ўз скоринг моделини яратиш имконига эга бўлган кредит бюросида скоринг моделини мавжудлиги бўйича талаб ўрнатилишини назарда тутувчи низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

г) 2018 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда банклар — маҳаллий ва халқаро банк карталари бўйича ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ахборот ва технология ўзаро муносабатларни таъминловчи ҳамда асосий вазифалари қуйидагилар этиб белгиланган Миллий банк процессинг марказини яратиш Концепциясини ишлаб чиқсин: транзакцияларнинг хавфсиз ва узлуксиз амалга оширилишини таъминловчи миллий чакана тўлов тизимини тузиш ва ривожлантириш;

қулай тўлов хизматларини яратиш ва ривожлантириш; нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда инновацион маҳсулотларни, шу жумладан бевосита мулоқотсиз ва мобил технологияларни ривожлантириш ҳамда илгари суриш;

бевосита мулоқотсиз ва мобил технологияларни, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш соҳаларида, айниқса, ҳудудларда жорий этиш;

халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

д) 2018 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва тижорат банклари билан биргаликда норезидентларнинг тўлов карталари барча тўлов терминаллари тармоғи орқали қабул қилинишини таъминловчи маҳаллий тўлов тизимларини асосий халқаро тўлов тизимлари билан интеграциялаш жараёнини тугалласин;

е) 2018 йил 1 ноябрга қадар тижорат банклари билан биргаликда туристлар кўпроқ борадиган жойларда қонун-тун режимда ишловчи автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари ташкил этилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон банклари ассоциациясига банк хизматлари оммабоплигини ошириш ва банк фаолиятини такомиллаштиришдаги ролини кучайтиришга қаратилган, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш тавсия этилсин:

Ўзбекистон банклари ассоциацияси фаолияти самарадорлигини янада ошириш Концепциясини тасдиқлаш;

банк тизими ҳодимларининг касбий маҳоратини ошириш, илгор халқаро тажрибадан келиб чиқиб хорижий банклар билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда аҳолининг мо-

лиявий саводхонлигини ошириш юзасидан тадбирларни амалга ошириш;

банк хизматлари оммабоплигининг долзарб муаммолари, халқаро тажрибани ўрганиш ва уни республика банк хизматлари бозорига қўллаш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш, банклар ва уларнинг мижозлари учун ахборот-таҳлилий ва консалтинг хизматларини ташкил этиш юзасидан мавзуга оид изланишлар олиб бориш;

масофавий банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш бўйича замонавий ва илгор банк хизматларини амалиётда рўёбга чиқариш ташаббусларини илгари суриш, янги ахборот технологияларини жорий этиш;

банк хизматларининг янги турлари ва маҳсулотларини аниқлаш ҳамда уларни кейинчалик республика банкларида татбиқ этиш мақсадида илгор чет эл банкларининг фаолиятини ўрганиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар муддатда:

жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги фуқаролар учун ҳисобланган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг ҳисобланган сугурга бадаллари;

солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобланган қарздорликлар;

идентификациялаш учун жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари;

жисмоний шахсларнинг мулк ва бошқа олган даромадлари; юридик шахсларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборотларни олиш имконини берувчи давлат органлари ва кредит бюро ўртасида маълумотларни қайта ишлаш ва электрон алмашишни Ягона идоралараро ахборот тизимини яратиш.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тижорат банклари филиаллар, минн-банклар ва автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчаларини ташкил этишга зарур бўлган ер участкаларини ўрнатилган тартибда ажратишга кўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган банкوماتлар тармоғини қўшимча кенгайтиришнинг 2018 йилга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ таъминласин.

11. Тижорат банклари ва процессинг ташкилотлари томонидан олиб қилинадиган божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 2020 йил 1 январга қадар бўлган муддатга овоз этиладиган ускуналар, дастурий таъминот, тўлдирувчи ва бошқа материаллар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқласин.

12. Вазирлар Махкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан тақдим этиладиган тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг амалдаги механизмининг банк кредитлари бўйича фоизли харажатларнинг айрим қисмларини қоплашда республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилган ёндашув услубини қўллаш асосида қайта кўриб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси М.Б.Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 23 март

ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИДАГИ
ИШЛАР
НАТИЖАДОРЛИГИ
МУҲОКАМА
ҚИЛИНДИ

«1

Чигит экиш мавсумини қисқа муддатда ўтказиш, тўлик ва соғлом қўчат ундириб олиш учун ҳудудларда жами 3 минг 432 та ер тайёрлаш ва чигит экиш отряди ташкил қилинган. Жорий йилда ёғингарчилик нисбатан кам бўлаётгани сабабли чигитни тупроқнинг табиий намига ундириб олиш керак. Бунинг эвазига 1 миллиард метр куб сув тежалади. Бугун Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тупроқда етарли ҳарорат бўлиб, чигит экиш учун жуда қулай ва оптимал шароит юзага келган.

Лекин бутунгача Сурхондарёда бор-йўғи 8 минг гектар ёки 11 фоиз, Қашқадарёда эса 5 минг гектар ёки 3,5 фоиз майдонга чигит экилган. Қунлик экиш суръати ҳам 1 фоиз агрофида бўлмоқда. Ваҳоланки, ушбу ҳудудларда чигит экишнинг кечикиб кетиши — ўғзанинг ҳосил тўплаш даври айнан иссиқ кунларга тўғри келиб, ҳосилнинг катта қисмини гармселга ёки хашаротта олдириб қўйишга сабаб бўлиши барчага маълум.

— Энг асосийси, қишлоқ хўжалигида барча муаммоларни бирма-бир ечиб, бир тонна пахтанинг ўртача нархини 3 миллион 250 минг сўм қилиб белгилаб қўйдик. Энди ҳар йилги «чигит экишга маблағ етмайпти, ёқилғи йўқ» деган баҳонага ўрин қолмади, ажратиладиган маблағлар барча тадбирлар учун етати, — деди давлатимиз раҳбари.

Пахта ва ғалла етиштиришни молиялаштириш масаласи ҳам диққат марказида бўлди. Мавсум давомида фермерларга ўзгармас ва чекланган нархда минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари етказиб бериш зарурлиги таъкидланди. Яқинда қабул қилган қарорга мувофиқ пахта-ғалланинг харид нархини харажатларни қоплайдиган ва фойдани таъминлайдиган қилиб белгилаб берилди. Шунингдек, жорий йил пахта ҳосили учун ажратиладиган имтиёзли кредит 6 триллион сўмни ташкил этиб, бу ўтган йилга нисбатан 3 баробарга кўпдир. Энг асосийси, фермерларга бериладиган имтиёзли кредитларда минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари учун харажатларни 100 фоиз қоплайдиган миқдорда маблағлар қўзда тутилган.

— Илгари имтиёзли кредит аниқ йўналиш бўйича ажрати-либ, фермер ўз пулини мустикал сарфлай олмади. Энди эса кредитларни тақсимлаш фермерларнинг буюртмалари асосида туман даражасида ҳал қилинади, — деди Президент. — Фермерга фақат зарар олиб келадиган, ҳосилдорлиги 15 центнердан паст бўлган ерларга пахта экишдан мутлақо воз кечдик. Эндиликда бундай майдонларга юқори даромадли экспортбоп экинлар экилади.

Йиғилишда томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Фермерлар кенгаши фаолияти талабга жавоб бермагани учун тугати-либ, унинг ўрнига Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ташкил этилди. Кенгашнинг аҳоли ва дехқон хўжаликларига тегишли унумдор томорқа ерларидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича ишлари мутлақо талабга жавоб бермаслиги таъкидланди. Маҳаллий ҳокимликлар ҳам бу соҳага етарли эътибор қаратмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Яқинда Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида томорқа ер майдонларидан фойдаланиш ҳолати ўрганилгани қайд этилди. Ушбу вилоятларнинг базис туманларида томорқа ерларидан самарали фойдаланилмаётгани аниқланган. Аксарият аҳолининг 8-10 сотих томорқа ери бўлсада, ҳеч нарса экмаган.

Давлатимиз раҳбари кичик томорқадан мўл ҳосил олиб, оиласини боқайтган, катта даромад топаётган меҳнатсевар одамларни ўрнак қилиб кўрсатди.

— Чўп суксанг, қўқарадиган еримиз бор, меҳнатсевар халқимиз бор. Лекин томорқа ерларидан — шундай катта резервдан фойдаланмаямиз. Шунинг учун бутундан бошлаб «Томорқага экин экиш» ойлигини эълон қилиб, ҳар бир томорқага экин экишни ташкил этиш керак. Агар ҳозир экмасак, кейин кеч бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борада аҳолига кўмаклашиш мақсадида барча туманларда «Томорқа хизмати» корхоналарини ташкил этиш, улар орқали томорқалар учун қўчат, минерал ўғит, кимёвий препаратлар етказиб бериш, механизация ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш бўйича тизим яратиш юзасидан топириқ берилди. Шу хизматлар етиштирилган ҳосилни харид қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилиш билан ҳам шугулланади.

Йиғилишда мева-сабзавот, картошка, узум ва полиз маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ ишлар ҳам муҳокама қилинди. Жорий йилда 2017 йилга нисбатан 24 фоиз кўп маҳсулот етиштириш режалаштирилгани қайд этилди.

Ушбу режадаги мева-сабзавотларни сифатли етиштириш, халқ истеъмоли учун тямлаш, белгиланган қисмининг экспорт қилишни таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда юқорида қайд этилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, барча турдаги эканлардан мўл-қўл ҳосил олиш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва топириқлар берилди.

ЎЗА

Кўрик-танлов

Меҳнат муҳофазаси — ҳаёт омили



Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилаётган «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови»нинг Тошкент шаҳар босқичи якунига етди.

Ҳодимларга хавфсиз, қулай меҳнат шароитларини яратиш, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган иш жойларини ташкил этиш, бахтсиз ҳодисалар профилактикаси юзасидан белгиланган ишларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Қасаба уюшмалари томонидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур кўрик-танловнинг шаҳар босқичида «Меҳнатни муҳофаза қилишда энг яхши натижаларга эришган кор-

хона», «Ҳодимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ҳодимларнинг меҳнат муҳофазасига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда энг яхши қасаба уюшма ташкилот», «Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда энг яхши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил», «Ҳодимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ҳодимларнинг меҳнат муҳофа-


засига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда энг фаол иштирок этган меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Дарвоқе, шахар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан эълон қилинган меҳнат муҳофазаси ойлиги доирасида ҳам кўплаб ишлар амалга ошириляпти.

Нозима УМАРОВА,
«Ishonch» мухбири

Талабларингизга биноан, «Ishonch» газетаси 2018 йилнинг апрелидан сотувга чиқарилади.

Касаба сайр



Президентимизнинг 2017 йил 28 декабрдаги «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш, ички туризмни янада кенгайтириш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

«Касаба сайр» шўба корхонаси ушбу хайрли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётир. «Ўзбекистон бўйлаб саёхат қил!» дастури асосида Наврўз байрами муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида меҳнат қилаётган 2000 нафардан ортиқ ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун Тошкент, Самарканд, Бухоро, Хива, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шахрисабз, Қарши каби тарихий шаҳарлар ҳамда ўз худудларидаги диққатга сазовор жойлар бўйлаб имтиёзли асосда жамоавий саёхатлар ташкил этилди. «Касаба сайр» кўмагида тахририятимиз жамоаси ҳам Хива шаҳрида бўлди. «Тошкент — Ҳўганч» йўналишидаги поездга чиккандаёқ таасуротлар олами бошланди.

Хива шаҳрида ҳамроҳлик қилган Зайнаб Бекчоновадан эшитганларимиз ва кўрганларимиз гўё бизга бемисл илҳом бахш этиб, янгидан-янги ижодий пиллапояларга ундагандек бўлди. Уларнинг баъзиларини сизларга ҳам илгингимиз келди, азиз муштарий!

ХАЙРАТ ҚАЛЪАСИ

Ичан қалъа ўзига хос яхлит меъморий иншоот бўлиб, баланд пахса девор билан ўралган, Ота, Полвон, Тош ва Боғча дарвоза номили тўртта дарвозаси бор. Худудда 54 та тарихий обида жойлашган бўлиб, бу обидалар асосан тўрт тарихий даврда қурилган. Ота дарвозанинг ўнг томонида Муҳаммад Аминхон мадрасаси, чап томонида Арк (Кўхна Арк) жойлашган.

Тарихчиларнинг ёзишларича, меъморчилик ривожланишининг учинчи даври XVI-XVIII асрларга тўғри келди: Хоразмда ўзбек хонларининг ҳукмронлиги мустаҳкамланиб, мамлакатнинг иқтисодий ва сийсий аҳоли яхшилланиши Хиванинг тез ривожланишига сабаб бўлган. Араб Муҳаммадхон, Хўжамбердибей мадрасалари, Кўхна Аркдаги кўринишхона (унга Арангхон бош бўлган) айнан шу даврларда бунёд этилган. XVIII аср бошида Шерғозихон мадрасаси қурилган.


ПАХЛАВОН МАХМУД ЗИЁРАТГОҲИ

Пахлавон Махмуд 1247 йилда Хива шаҳрида хунарманд оиласида туғилган. Ёшлигида ота касби пўстиндўзлик билан шугулланган. Илм ўрганиб, улуг файласуф шоир даражасига

эришган. У замонасининг энг кучли пахлавони саналади. 79 йиллик ҳаётида бирон марта кураги ерга тегмаган Пахлавон Махмуд ҳақида қўллаб ривоятлар сақланиб қолган. Айтишларича, олис мамлакатдаги курашларда ўз маҳоратини намойиш қилиб, ҳамма полвонларини енгганида Махмудга ўша давлат подшоҳининг хаваси келиб, «Тилагингни тила», дебди. Пахлавон Махмуд подшоҳдан бир хўкиз терисига сиккулик қадар ватандошларини озод қилишини сўрабди. Подшо рози бўлибди ва хўкиз терисини келтиришни буюрибди. Пахлавон Махмуд теридан ингичка тасмалар қиркиб олган ва уларни бир-бирига улаб узун камар (қўра) қилиб, шунга сиккунча одамларни олиб Хивага йўл олган. У билан келганларни шаҳар ташқарисидаги Шихлар қишлоғига жойлаштирган.

Ҳа, пахлавонлар пири нафакат кучли, балки мард, танги ва бағри кенг инсон бўлган. Пахлавон Махмуд рубойларини ўқиган инсон у кишининг донишмандлигига яна бир бор тан беради.

ТАРИХ БИЛАН ЁНМА-ЁН



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан макбара қайта таъмирланиши натижасида бу даргоҳ янада файзли масканга айланди.

МАСКАНИ ФОЗИЛОН

Пахлавон Махмуд зиёратгоҳи рўпарасида Шерғозихон мадрасаси жойлашган. Шерғозихон олим ва одил хон, эътиқодли ва диёнатли инсон сифатида тарихда қолган. Ундан ёлғор мадраса 1719 йилда қуриб битказилган. Унга ўша давр тарихчилари «Маскани фозилон» деб ном беришган. Бу ерда ўз даврининг фозилу фузалолари тарбия топган. Хусусан, буюк туркман шоири Махтумқули ва қорақалпоқ адабиётининг йирик вакили Ажиниёз шу гўшада таҳсил олган.

Йўлбошловчи Махтумқулининг қуйидаги сатрларини ҳаяжон билан ўқийди:

«Мақон айлаб уч йил едим тузингни,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғози.
Ўтказдим баҳор, киш, ёзингни,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғози».

Ҳозирда мадрасада Махтумқули, Ажиниёз Кўсибой ўғли кўргазмалари ва тиббиёт тарихи музейи фаолият кўрсатмоқда.

НУРИЛЛАБОЙ САРОЙИДА

Хивадаги тарихий обидаларнинг айримлари Диншан қалъада жойлашган. Улардан бири Нуриллабой мажмуаси 1893 — 1904 йиллар оралиғида Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II томонидан ўғли шахзода Исфандиёр хон шарафига қурдирилган. Муҳаммад Раҳимхон II хивалик савдогар бой Нуруллабойдан боғини сотишни сўрайди. Шунда Нуруллабой хонга, у аввалдан халқ ўртасида бўлиб келган «Нуруллабой боғи» номини ўзгартирмасани розилик билдиришини айтади. Хон бу шартга қўниб, боғни сотиб олади. Шундай қилиб «Нуруллабой» номи сақланиб қолади. Муҳаммад Раҳимхон II Нуруллабой боғи ичида ўғли Исфандиёрхон учун катта бир сарой ва ҳарам (ҳарам — хос жой, номаҳрамлар қиритилмайдиган ички ҳовли) қурдиради.

Отасининг ўлимидан сўнг Исфандиёр хон хорижлик меҳмонларни қабул қилиш учун қўшимча қаср солдирган. Бу қаср Хивадаги хонлар қароргоҳларидан ўзининг дизайни ва архитек-



тураси билан тубдан фарқ қилади. Сарой тўртта қисмдан иборат бўлиб, юздан зиёд хоналар, долонхона, қоровулхона, отхона, мулозимлар турадиган хоналар ва ҳарамдан (бешинчи ҳовли) иборат бўлган.

Бугунги кунда ушбу мажмуада ўзбек фотографияси ва кинчилиги асосчиси Худойберган Девонов томонидан олинган расмлар кўргазмаси ташкил қилинган бўлиб, унинг «Патэ» русумли киноаппаратида олинган тасвирлар ҳеч қимми эътиборсиз қолдирмайди.

ЧЎГИРМАНИ КИЙ

Хивага хунармандчиликнинг нодир намуналарини тасвирлаб қилиш учун ҳам таширф буюрса арзийди. Қадимдан қалъада гиламдўзлик, қоширлик, қўғирчоқ ясаш, қулолчилик, мистарлик, ёғоч ўймакорлиги, сангтарошлик, чўғирма каби миллий хунармандчилик ривожланган. Хоразмнинг миллий либослари ҳам ўзига хос. Шулардан бири чўғирмадир. У қорақўл терисидан тайёрланади ва қишда совуқдан, ёзда эса қуёш тафтидан сақланишга хизмат қилади.

Чўғирмани асосан хон, назир каби бадавлат кишилар кийишган. Чўғирма эркаклар бош кийими бўлгани учун Хоразм воҳасида у билан боғлиқ бир удум сақланган. Унга қўра, уйланиш

ниятини билдирган йигитга қиз томон чўғирмани куч билан отишган. Агар йигит йиқилиб тушса, қиз унга турмушга чиқиб ниятидан қайтган.

Хоразмда чўғирмани ёш тоифасига қараб кийишган: кексалар оқ, ўрта ёшлилар қулаган, ёшлар эса рангиларини.

Ичан қалъадаги Қарвон бозоридан юзлаб хилдаги миллий хунармандчилик махсулотларини харид қилиш мумкин.

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

— Хоразм — Абу Райхон Беруний, Махмуд аз-Замахшарий, ўнлик санок системасини биринчи бўлиб жаҳонга берган ал-Хоразмийлар юрти. Бу ерга келишни қим ҳам орзу қилмайди дейсиз?! Минг йиллик академияни кўриш, тарихий обидаларимиз билан танишиш нафакат мен, балки ҳамроҳларим бўлган қўлаб нурунийлар учун Наврўз байрамида катта совға бўлди, — дейди физика-математика фанлари номзоди, доцент Мукаррама Муҳиддинова. — Шу ўринда матбуотда мана шундай тарихий масканларимиз ҳақида қўллаб маълумотлар бериб борилса, бу ерларда фильмлар ишланса яхши бўларди. Бу мамлакатимиз туризм салоҳиятининг янада ошишига замин ҳозирлайди. Қаранг, бу учун ҳеч қандай меҳнат талаб қилинмайди. Тарих биз билан ёнма-ён турибди.

Бу каби фикрларни биз билан ҳамсуҳбат бўлган қўллаб юртошларимиз билдирди.

ХИВАГА ПОЕЗД КЕЛАДИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Хивага поезд борадиган бўляпти. Айни кунларда вокзал ва темир йўл қурилиши жадал суръатда давом этмоқда. Вокзал атрофида барпо этиладиган мажмуалар Хива тарихида бешинчи давр бошланганидан далолатдир. Бу давр тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилиши, Хиванинг оламшумул шухратига шухрат қўиши, тараккиётини кафолатлаши, минг йиллардан сўнг авлодларимиз бу воқеаларни Хива тарихидаги олтин давр сифатида ёлға олишларига ишонган ҳолда ортимизга қайтаётганимизда яна бир янгиллиكنи эшитдик.

Гап шундаки, янги қурилган «Бухоро — Мискин» темир йўл линияси Наврўз байрами арафасида ишга туширилди. Биз ўтирган поезд айнан шу йўналишда ҳаракатланар экан. Бу билан оралик масофа қарийб 100 км., ҳаракатланиш вақти эса икки соатга қисқаргани барчани хурсанд қилди.

Хуллас, Хивага саёхат гўят мароқли бўлди. Олинган таассуротлар ҳар биримизга куч-ғайрат ва илҳом бахш этиши шубҳасиз.

Муҳаббат Тўрабоева,
Салим Абдурахмонов,
«Ishonch» муҳбирлари,
Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар.




Мулоҳаза

Пойтахтимиз кўчаларидаги автобус бекатлари ўзига хос кўринишга эга бўлмоқда. Бекатларнинг бир қисми хусусий тадбиркорлар томонидан дўкон сифатида фойдаланилса, қолган томонлари ойнаванд қилинган. Бу қишда асқотади, аммо иссиқ кунларда ҳаво айланишининг мўътадиллигини таъминлаш масаласи эътиборга олинмаган. Қолаверса, ўриндиқлар сонининг камлиги ҳам эътирозга сабабчи десак, адашмаймиз.

МУАММОННИНГ «БЕКАТИ» БОРМИ?

Айрим бекатларнинг ўлчами бир ярим, икки қулочдан ошмагани, томи ва ён томони энсиз ойналар билан ёпилгани боис уларнинг йўловчиларга нафи тегиши даргумон. Чунки улар йўловчиларни на совуқдан асрайди, на қуёшдан ҳимоялайди. Ёз кунларида йўловчилар автобусларни «соябони» кафтдеккина келадиган бекатларда эмас, ён-атрофдаги дов-дарактлар тагида туриб кутишади. Бироқ ҳамма бекатлар атрофида ҳам бундай беминнат соябонлар ўсавермаган. Шунингдек, ёгингарчилик мавсумида баъзи бекатлар олдида ҳосил бўладиган қўлмақлар йўловчиларнинг автобусага чиқиб-тушишида ноқулайлик туғдириши ҳам бор гап.

Бундан ташқари, айрим бекатларнинг тўрт тарафи ҳам «реклама девори» билан ўралган. Ташқарида қараган киши «биронта дўкон бўлса керак» деб ўйлаши мумкин. Унинг ичига йўловчилар қираётгани



йўқ. Мабодо, кириб қолса... автобусни кўрмаслиги аниқ! Шу сабабли бекатларга реклама эълонларини йўловчиларга ҳалакит қилмайдиган тарзда ихчам ва қулай кўринишда ўрнатиш масаласини ўйлаб кўриш лозим. Зеро, бекатлар жамоатчилиги эътиборидаги маскан. Улар йўловчиларга хизмат қилиши баробарида, реклама берувчилар ва тадбиркорлар манфаатини ҳам қаноатланти-

рувчи замонавий инфратузилманинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шундай экан, бекатларни замон талабига мос ҳолда қуриш ва жиҳозлашнинг самарали усулларидан фойдаланиш ҳақида бош қотириш мавриди эмасми? Бу ҳақда мутасаддилар ва газетхонлар фикри қандай?

Гулсум ШОДИЕВА,
журналист

Реклама

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошлангич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар худудий бошқармасининг 2018 йил 15 мартдаги 36 к-ПО буйруғи ва 2018 йил 16 мартдаги 05/308-сонли буюртма-номасига асосан аукцион савдоларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўрта-маҳсул, касб-хунар таълими бошқармаси Сергели Саноат касб-хунар коллежи балансидаги Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Нилуфар 1-тор кўчаси 1-уй манзилида жойлашган кутубхона биноси қўйилмоқда. Умумий майдони 750,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 442,0 кв.метр. Бошлангич нархи — 1 249 268 194 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 23 апрель куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-«А» уйда ўтказиладди. Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2018 йилнинг 8 ва 23 май ҳамда 7 ва 22 июнь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бо-

шлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошлангич нархнинг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда, Савдо ташкилотчиси билан тузилган закатат келишувига асосан, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги банк рекузитларига закатат пулини тўлашлари лозим: ХАТБ «DAVR BANK» Олмазор филиали, х/р: 22604000204920609001; МФО: 01121; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманомалар билдиришнома эълон қилинган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси бошланишидан уч соат олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчиси талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларини илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юрдик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вақилининг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вақил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закатат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48, 228-80-27. Лицензия: RR-0001.

Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт: www.lkms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ташкилий ишлар бўйича етакчи мутахассис Наргиза Алиевага онаси	«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти жамоаси тахририят собиқ ходими, истеълодли журналист Илҳом ҚАРОМОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди.
РАҲИМА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъин ихор этади.	

КИМЁ ВА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Ўзбекистон халқини
Наврўз айёми
билан муборакбод этади.
Ҳар бир оилага
фаровонлик, тинчлик ва
омонлик, бахт-саодат,
муваффақият тилайди.
Жаннатмонанд юртимиз
гуллаб-яшнаверсин!



O'ZBEKISTON
SAVDO-SANOAT
PALATASI

TOSHKENT SHAHAR HUDUDIIY BOSHQARMASI

*Мустақил юртимиз равнақи, гузал ҳаётимиз, ёрқин
истиқболимиз учун яратувчанлик иштиёқида меҳнат
қилаётган азиз юртдошларимизни баҳорнинг
фусункор байрами — Наврўз билан қутлаймиз!
Барчамизнинг хонадонимизни меҳр-оқибат
ва баҳорий кайфият тарқ этмасин.
Қалбимиздан Наврўз шукуҳи ҳеч қачон аримасин!*



Фурсатдан фойдаланиб Палата томонидан кўрсатилаётган хизматлар билан
бошқарманинг www.tssp.uz сайтида танишишингиз мумкинлигини эслатиб ўтамиз.
Маълумот учун телефонлар: 150-31-01, 236-78-45, 236-35-70, 233-72-80

ЎРМАТ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ
ПАЛАТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ
БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

ЗАНГИОТА ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ



Юртдошларимиз ва соҳа
ходимларини Наврўзи олам
билан самимий қутлайди.
Мустақкам соғлиқ, хотиржамлик,
тўкинлик ва фаровон ҳаёт
хонадонларимизни тарқ этмасин.
Баҳор олиб келган қувонч
бардавом бўлсин.
Кўклам сувидак жўшқинлик,
бинафшадек беғуборлик
барчамизга ёр бўлсин!



«БУХОРОНЕФТБАЗА» МТЖ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Дилларга хурсандлик ўлашайтган Наврўз айёми билан
мамлакатимиз аҳолисини, шу жумладан, соҳамиз ходимларини
самимий табриклаймиз!
Ўзаллик ва нафосат айёмида юртдошларимизга сиҳат-саломатлик,
хуш кайфият, оилавий тотувлик, баракали ризқ тилаймиз.
Янгиланиш ва яшариш фасли муборак, азизлар!



Агросаноат маъмури ходимлари касаба уюшмаси Қорон туман кенгаши

Халқимизни, мамлакатимиз иқтисодиётини
юқсалтиришда муносиб
ҳисса қўшиб келаётган аграр соҳа ходимларини
Наврўзи олам билан қизғин қутлайди.
Эл ризқини кўпайтиришда,
дастурхонларимиз тўкинлигини
таъминлашда матонат кўрсатаётган қишлоқ
хўжалиги меҳнаткашларига тинчлик-омонлик,
бахту иқбол, оилавий тотувлик,
фаровон ҳаёт тилайди!



Талабларингизга биноан, «Ishonch» газетаси 2018 йилининг апрелидан сотувга чиқарилади.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир:
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси
Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар,
таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоप этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририй ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ispetka bank» Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бухоро — (+998-93) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоний — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-91) 141-27-70
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририй нукта назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

А. Тошев
Навбатчи:
С. Абдурахмонов
Муҳаррир:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти: — 02:00
Топширилди: — 03:00
12 : 56
Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма № — 309.
36887 нускада босилди.
Наврўз кўрсаткичи: 133